



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> September, 2025

## МЕРОС ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Эгамбердиева Нодира Мирсамадовна

ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Олмазор туманида хусусий амалиёт  
билин шуғулланувчи нотариус

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мерос ҳуқуқини амалга оширишга доир қонунчиликнинг ривожланиш тенденцияси чуқур таҳлил қилинган. Муаллиф мерос ҳуқуқи институтининг тарихий генезисини ўрганиб, унинг турли даврлардаги ҳуқуқий тартибга солиниш жараёнларини кўрсатиб берган.

Тадқиқотда Ўзбекистон ҳудудидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг тарихий шаклланиш босқичлари таҳлил этилган бўлиб, қадимги “Авесто” давридан бошлаб ҳозирги замон қонунчилигигача бўлган эволюцион жараёнлар кўриб чиқилган. Айниқса, совет даврида мерос ҳуқуқининг чекланган қўлланилиши ва мустақиллик йилларида унинг кенг ривожланиш тенденциялари батафсил баён этилган.

Мақолада нотариал институтларнинг ривожланиши, мерос мулкининг муҳофазаси ва меросхўрларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлашга доир масалалар ўрганилган. Муаллиф қонунчиликнинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини белгилаб, мерос ҳуқуқи соҳасидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечим йўлларини таклиф этган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Мерос ҳуқуқи, ҳуқуқий институт, тарихий генезис, фуқаролик қонунчилиги, меросхўрлар, нотариал фаолият, мерос мулки, ҳуқуқий тартибга солиш, Фуқаролик кодекси, васият, ҳуқуқий ҳимоя, қиёсий таҳлил.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье проведен глубокий анализ тенденций развития законодательства об осуществлении наследственного права. Автор изучил



## International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> September, 2025

историческое происхождение института наследственного права, показав процессы его правового регулирования в различные периоды.

В исследовании проанализированы исторические этапы формирования гражданско-правовых отношений на территории Узбекистана, рассмотрены эволюционные процессы от древнего периода "Авесто" до современного законодательства. Особо подробно изложены ограниченное применение наследственного права в советский период и тенденции его широкого развития в годы независимости.

В статье изучены вопросы развития нотариальных институтов, охраны наследственного имущества и обеспечения правовых гарантий наследников. Автор определил перспективы будущего развития законодательства, предложив существующие проблемы в области наследственного права и пути их решения.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Наследственное право, правовой институт, историческое происхождение, гражданское законодательство, наследники, нотариальная деятельность, наследственное имущество, правовое регулирование, Гражданский кодекс, завещание, правовая защита, сравнительный анализ.

## ABSTRACT

This article provides a thorough analysis of development trends in legislation concerning the implementation of inheritance law. The author studied the historical genesis of the inheritance law institution, demonstrating the processes of its legal regulation in various periods.

The research analyzes the historical stages of formation of civil-legal relations on the territory of Uzbekistan, examining evolutionary processes from the ancient "Avesta" period to contemporary legislation. Particularly detailed exposition is given to the limited application of inheritance law during the Soviet period and trends of its broad development during the years of independence.

The article studies issues of development of notarial institutions, protection of inheritance property, and ensuring legal guarantees for heirs. The author identified



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> September, 2025

prospects for future development of legislation, proposing existing problems in the field of inheritance law and ways to solve them.

**KEYWORDS:** Inheritance law, legal institution, historical genesis, civil legislation, heirs, notarial activity, inheritance property, legal regulation, Civil Code, will, legal protection, comparative analysis.

Мерос хуқуқини амалга оширишга оид қонунчиликнинг ривожланиш генезисини тадқиқ этиш бугунги кунда жуда долзарб ҳисобланади. Чунки ҳар қандай хуқуқий институтнинг шаклланиши ва такомиллашуви унинг тарихий босқичларини ўрганиш орқали чуқур англаради. Мерос хуқуқи энг қадимий хуқуқий нормалардан бири сифатида турли даврларда турлича хуқуқий тартибга солинган. Шу боис, мерос муносабатларини хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш жараёнида миллий ва хорижий хуқуқий тажрибаларни қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, мерос мулкининг муҳофазаси, меросхўрларнинг хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда нотариал амалиётнинг хуқуқий асосларини ривожлантириш жараёнини чуқур таҳлил қилиш келгусидаги ислоҳотлар учун илмий ва амалий манба бўлиб хизмат қиласди.

С.Б.Бобоқуловнинг таъкидлашича, “Авесто”да акс этган иқтисодий муносабатларда ваъдага вафо қилиш, келишув шартларини бажариш, савдосотиқ жараёнидаги мажбуриятларни бажариш ва ишончга берилган ашёларни ўз вақтида қайтариш каби шартномавий муносабатларга оид қарашлар муҳим аҳамият касб этган<sup>1</sup>. Бу ерда аҳдларга содиклик ва ваъдани бажариш оддий урф-одат ёки анъана сифатида эмас, балки муқаддас қоида ва бурч сифатида қаралган. Ана шу ҳолат эса ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг маънавий ва хуқуқий асосларини белгилаб берган. Шу тариқа, «Авесто»даги мазкур ёндашув шартномавий мажбуриятларнинг

<sup>1</sup> Бобоқулов С.Б. Ижара хуқуки. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 141 б.; Бобоқулов С.Б. Ижара муносабатларининг тарихий ривожланиш босқичлари ва бозор иқтисодиёти шароитида ижара шартномаси конструкцияларини табақалаштириш.-Тошкент: Илм-Зиё, 2008.-82 б.



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> September, 2025

нафақат хуқуқий, балки ахлоқий моҳиятга ҳам эга бўлганини кўрсатиб турибди.

Нотариал идоралар фаолияти узоқ тарихий илдизларга эга бўлиб, унинг белгилари ислом хуқуқида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, “Мухтасар” асарида ҳозирги давлат нотариуслари ҳал қиласиган “Гаров”, “Ижара”, “Кафолат”, “Ихтилоф” каби боб ва бўлимларда ворислик хуқуки масалалари баён этилган. Бу ҳолатдан кўриниб турибди, нотариал ҳаракатларнинг шаклланиши қадимги даврларга бориб тақалади. Ўша вақтларда ҳам мерос ва бошқа мулкий низолар тартибга солиниши, хуқуқий кучга эга хужжатлар билан расмийлаштирилиши талаб этилган. Шариат қонунлари ва урф-одат нормалари асосида юзага келган ҳолатларда маҳсус нотариус шахслари мавжуд бўлмаган, аммо низоли ишлар кўпинча қозиларга топширилган ва улар гувоҳлар иштирокида бундай масалаларни ҳал этганлар. Шу тариқа, қози ҳузурида юритилган ишлар нотариал ҳаракатларга хос вазифаларни ҳам бажарган<sup>2</sup>.

М.К.Сулейменовнинг фикрига кўра, хуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя институти, масалан, хуқуқий жавобгарликка нисбатан олинганда, нисбатан янги хуқуқий ҳодиса ҳисобланади. Унинг Қозогистонда фуқаролик хуқуқларини ҳимоя қилишга бағишлиланган асарида тъкидланишича, мазкур институт қонунчиликда илк бор 1961 йилги ГҚда (6-модда) мустаҳкамланган. Кейинчалик ушбу норма ҚозССР Фуқаролик кодексининг 6-моддасида ҳам такрорланган<sup>3</sup>. Ўзбекистонга келадиган бўлсак, фуқаролик хуқуқларини амалга ошириш институти мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни хуқуқий тартибга солишнинг илк кунлариданоқ шакллана бошлаган фуқаролик хуқуқи институти сифатида намоён бўлади.

Н.Имомовнинг фикрича, Ўзбекистонда фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг хуқуқий асослари (фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хуқуқий мақоми, мулк хуқуки ва бошқа ашёвий хуқуқлар, шартномавий ва шартномадан ташқари мажбуриятлар, шунингдек

<sup>2</sup> Султонова Т. Ўзбекистонда нотариал фаолият. 2014. 100-6.

<sup>3</sup> Защита гражданских прав: Монография / Отв. Ред. М.К. Сулейменов. – Алматы: НИИ частного права КазГЮУ, 2011. – 12 с.



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> September, 2025

мулкий ва улар билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлар – Фуқаролик кодексининг 2-моддаси 1-қисми)ни қўйидаги олти босқичга ажратиш мумкин: Биринчи босқич – қадимги дунёдан VIII асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти сифатида одат ҳуқуқи, яъни муайян ҳалқ урф-одатларига асосланган, авлоддан-авлодга ўтиб келган ёзилмаган қоидалар мавжудлиги қайд этилган. Бу даврнинг ёзма манбалари орасида энг ёрқин намуна сифатида “Авесто” кўрсатилади.

Иккинчи босқич – VIII асрдан XX аср бошларигача бўлган давр. Ушбу босқичда фуқаролик муносабатлари асосан ислом ҳуқуқи нормалари орасида тартибга солинган бўлиб, асосий манба Қуръон ҳисобланган.

Учинчи босқич – XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача бўлган давр. Бу вақтда Россия империясининг фуқаролик қонунлари татбиқ этилган, маҳаллий аҳоли эса ислом ҳуқуқи нормаларига амал қилган.

Тўртинчи босқич – 1917 йилдан 1991 йилгача бўлган давр. Бу босқичда 1922 йил 31 октябрда қабул қилинган ва 1923 йил 1 январдан кучга кирган РСФСР Фуқаролик кодекси бошқа иттифоқдош республикалар, жумладан, Ўзбекистон ССР Фуқаролик кодекслари учун намуна сифатида хизмат қилди. 1961 йилда СССРнинг Фуқаролик қонунчилик асослари қабул қилинди ва шу билан бирга иттифоқдош республикаларнинг фуқаролик кодекслари ҳам амалда бўлди. Ўзбекистон ССРнинг 1963 йилги Фуқаролик кодекси ҳам шу даврда амал қилган.

Бешинчи босқич – 1991 йилдан 2017 йилгача бўлган давр. Бу босқичда ҳозирги амалдаги Фуқаролик кодекси қабул қилинди: унинг биринчи қисми 1995 йил 21 декабрда, иккинчи қисми эса 1996 йил 29 августда қабул қилинган ва иккаласи ҳам 1997 йил 1 марта кучга кирган.

Олтинчи босқич – 2017 йилдан ҳозирги вақтгача давом этаётган давр. Бу босқич кенг кўламли ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар билан характерланиб, ушбу жараёнлар ҳанузгача изчил давом этмоқда<sup>4</sup>.

<sup>4</sup> Имомов Н.Ф. Об истории и эволюции гражданского законодательства Узбекистана и его основных социально-экономических изменениях после окончания советской власти и обретения независимости “O‘zbekistonda fuqarolik qonunchniligining rivojlanish genezisi va istiqbollari” xalqaro ilmiy amaliy konferensiya materiallari to‘plami / Mas’ul muharrirlar yu..f.d., prof. N.Imomov, –T.: TDYU. 2024.– С. 47-59.



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> September, 2025

Н.Имомовнинг фуқаролик ҳуқуқи ривожланиш босқичларини олти даврга ажратишга оид концепцияси назарий жиҳатдан тўғри ва тарихий мантиқийликка эга бўлса-да, унинг айрим жиҳатлари танқидий таҳлилни талаб қилади. Хусусан, босқичлар чегаралари ва даврий мезонлари кўпроқ шартлиликка асосланган бўлиб, фуқаролик ҳуқуқининг айрим институтлари, масалан, мулкий муносабатлар ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмлари, бир неча даврларда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган. Шу билан бирга, муаллифнинг ёндашуви фуқаролик ҳуқуқининг умумий эволюциясини очиб берса-да, ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтларининг тарихий шаклланишини алоҳида босқич сифатида ажратмагани муайян илмий бўшлиқни юзага келтиради. Демак, мазкур назария қимматли ҳисобланса-да, уни янада тўлдириш ва институтционал таҳлил билан бойитиш зарур.

Ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган фуқаролик қонунчилигига амалда кўлланилаётган нормалар мавжуд бўлишига қарамасдан, жаҳонда кечаётган глобал ўзгаришлар ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни қайта кўриб чиқиши тақозо этмоқда. Шундай экан, фуқаролик қонунчилиги бир жойда тўхтаб қолиши мумкин эмас. Янги ҳуқуқий ҳодисалар ва институтларнинг шаклланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли “Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойишини қабул қилиш заруратини юзага келтирди<sup>5</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда мерос ҳуқуқини амалга оширишга доир қонунчиликни қуидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. Совет ҳуқуқи даври (1917–1991 йиллар):

Бу босқичда мерос ҳуқуқи совет ҳуқуқ тизими доирасида шаклланди. Мероснинг асосий манбаи Фуқаролик кодекслари ҳисобланган бўлиб, мерос ҳуқуқи доираси чекланган, асосан шахсий мулк билан боғлиқ муносабатларгина назарда тутилган. Давлат мулкчилик устувор бўлганлиги боис, шахснинг мол-мулки мерос сифатида қолишига нисбатан ҳуқуқий

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли “Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши. //Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 й., 08/19/5464/2891-сон.



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> September, 2025

чекловлар қўп эди. Шу сабабли, мерос ҳуқуқи амалда тор доирада қўлланилган.

2. Мустақилликдан кейинги дастлабки давр (1991–ҳозиргача):

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистонда хусусий мулк ҳуқуқи тикланиши билан бирга мерос ҳуқуқини тартибга солувчи нормалар ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Фуқаролик кодексининг 1996 йилда қабул қилиниши мерос ҳуқуқини миллий қонунчиликда мустаҳкамлади. Бу босқичда шахснинг хусусий мулкини ҳимоя қилиш, васият асосида мерос қолдириш имкониятини кенгайтириш ва меросхўрларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этди.

Ҳозирги босқичда мерос ҳуқуқи изчил ривожланиб, халқаро ҳуқуқий тажрибалардан фойдаланишга қаратилган нормалар жорий этилди. Нотариат тизимининг такомиллаштирилиши мерос ишларини амалга оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Бунда меросни қабул қилиш муддатлари, меросхўрларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва кредиторлар талабларини қондириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, амалдаги тизимда айrim муаммолар ҳам мавжуд – хусусан, меросхўрларнинг ҳозир бўлмаган ҳолатида уларнинг манфаатларини таъминлаш ёки мерос мулкининг қараувсиз қолиб кетиш эҳтимоли каби масалалар.

## **Адабиётлар:**

1. Бобоқулов С.Б. Ижара ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 141 б.; Бобоқулов С.Б. Ижара муносабатларининг тарихий ривожланиш босқичлари ва бозор иқтисодиёти шароитида ижара шартномаси конструкцияларини табақалаштириш.-Тошкент: Илм-Зиё, 2008.-82 б.
2. Султонова Т. Ўзбекистонда нотариал фаолият. 2014. 100-б.
3. Защита гражданских прав: Монография / Отв. Ред. М.К. Сулейменов. – Алматы: НИИ частного права КазГЮУ, 2011. – 12 с.
4. Имомов Н.Ф. Об истории и эволюции гражданского законодательства Узбекистана и его основных социально-экономических изменениях после окончания советской власти и обретения независимости “O’zbekistonda fuqarolik qonunchiligining rivojlanish genezisi va istiqbollari” xalqaro ilmiy amaliy



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> September, 2025

konferensiya materiallari to‘plami / Mas’ul muharrirlar yu..f.d., prof. N.Imomov, – T.: TDYU. 2024.– С. 47-59.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф–5464-сонли “Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 й., 08/19/5464/2891-сон.